




DaF - Unterricht im digitalen Zeitalter

27. – 28. November, 2020



# **DaF - Unterricht im digitalen Zeitalter**

Internationale Digitalkonferenz

27-28. November

**Taschkent 2020**



УДК: 43(07)

P – 32

ББК: 81.2 Нем.

DAF-UNTERRICHT  
IM DIGITALEN ZEITALTER

Beiträge und Referate der internationalen wissenschaftlich-praxisorientierten

Digitalkonferenz

Халқаро илмий-амалий онлайн конференция материаллари тұплами

Сборник материалов международной научно-практической онлайн-конференции

*Die Redaktion übernimmt keine Haftung für die Qualität, Richtigkeit, Vollständigkeit und Aktualität der Beiträge. Die liegen im Verantwortungsbereich der jeweiligen Autoren und spiegeln nicht die Meinung der Redaktion wider.*

*Аңжуман тұпламыга тақдим этилған тезислардаги маълумоттарнинг ҳаққонийлиги ва түгрилиги учун муаллифлар шахсан жавобгардир. Таҳририят фикри мақолалар муаллифарининг қарашлари билан мос келмаслиги мүмкін.*

*За содержание и достоверность статей ответственность несут авторы. Мнение редакции может не совпадать с мнением авторов статей.*

© GI Usbekistan © UzSPIC



## INHALTSVERZEICHNIS

GRUSSWORT.....	2
REFERENTEN.....	9

## 1. SEKTION

ONLINE-PROGRAMM DEUTSCH LEHREN LERNEN® (DLL) IM HOCHSCHULSYSTEM: IMPLEMENTIERUNG, PROBLEME UND LEISTUNGEN	25
---	----

<b>Azamatova Gulnoza Sunnatovna</b>	
<b>Azimova Zuhro Ismatulloyevna</b>	
DIGITALISIERUNG DES DAF-UNTERRICHTS: PROBLEME UND LÖSUNGEN.....	26
<b>Аскарова Шахноза Исмаиловна</b>	
ПРОБЛЕМА ПРЕПОДАВАНИЯ ФОНЕТИЧЕСКОЙ ИНТЕРФЕРЕНЦИИ НА УРОВНЕ УЗБЕКСКО-НЕМЕЦКОГО ИСКУСТВЕННОГО БИЛИНГВИЗМА.....	28
<b>Бухтеева Елена Евгеньевна</b>	
АКТУАЛЬНОСТЬ ОБРАЗОВАТЕЛЬНОЙ ТЕХНОЛОГИИ АВТОНОМНОЙ УЧЕБНОЙ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ СТУДЕНТОВ ВУЗА.....	30
<b>Majidova Muhayyo Sirojiddinovna</b>	
EINSATZ DER DLL-EINHEITEN IN DER HOCHSCHULBILDUNG: SCHWIERIGKEITEN UND LÖSUNGSANSÄTZE.....	35
<b>Мерганова Нигора Мамадодиловна</b>	
ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИДА DLL - ДАСТУРИНИНГ ЖОРИЙ ЭТИЛИШИГА ДОИР.....	38
<b>Muradova Nasiba Turgunbaewna</b>	
DIE BEDEUTUNG DER KOMMUNIKATIVEN KOMPETENZ IM FREMDSPRACHENUNTERRICHT.....	41
<b>Назарова Машхура Ҳабибуллаевна</b>	
МАСОФАВИЙ ТАЪЛИМДА ЧЕТ ТИЛНИ ЎРГАТИШ МЕТОДИКАСИНИНГ ИННОВАЦИОН ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ.....	43
<b>Тян Наталья Викторовна</b>	
ВНЕДРЕНИЕ DLL В НАЦИОНАЛЬНОМ УНИВЕРСИТЕТЕ УЗБЕКИСТАНА: ОПЫТ, РЕЗУЛЬТАТЫ И ТРУДНОСТИ.....	38

## 2. SEKTION

MODERNE LEHRPROGRAMME UND DIGITALE TECHNOLOGIEN FÜR DEN DEUTSCHUNTERRICHT (SMART-PROGRAMME, DIGITALE APPS, NEUE UNTERRICHTSMETHODEN FÜR MINT, CLIL) IM ELEMENTAR-, PRIMAR-, SEKUNDARBEREICH SOWIE IN DER HOCHSCHULBILDUNG	51
--	----

<b>Anorova Malika Machamadiyevna</b>	
INTERNET IM DAF –UNTERRICHT.....	52
<b>Атаев Шукур-Али Аюб-Алиевич</b>	
НЕМИС ТИЛИ МАШФУЛОТЛАРИДА КРЕАТИВ ЁЗУВ МЕТОДИДАН ФОЙДАЛАНИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ.....	54
<b>Бегматов М.</b>	
НЕМИС ТИЛИНИ ЎҚИТИШДА ИННОВАЦИОН ПЕДАГОГИК ВА АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИНГ ЎРНИ ВА АҲАМИЯТИ.....	57



<b>Butayev Shavkat</b>	
КО'НИКМА VA MALAKALARNI SHAKLLANTIRUVCHI O'QITISH MASHQLARI – КОММУНИКАТИВ ЛЕКСИКАНИ О'РГАТИШНИНГ АСОСИ.....	61
<b>Есбергенова Г.Б.</b>	
НЕМИС ТИЛИ ДАРСИДА ЎҚУВЧИЛАРНИНГ АҚЛИЙ ВА НУТҚИЙ ҚОБИЛИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДАГИ ОНА ТИЛИНИНГ ТАЪСИРИ.....	64
<b>Жаббарова Малоҳат Ҳамдамовна</b>	
ТАЪЛИМ ЖАРАЁНИДА ИННОВАЦИОН МЕТОДЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШДА ЎҚИТУВЧИННИНГ РОЛИ ҲАМДА ТАЪЛИМ СИФАТИ.....	68
<b>Жумаев Эркин Болтаевич</b>	
НЕМИС ТИЛИ ДАРСЛАРИДА БАДИЙ МАТННИ ТАҲЛИЛ ҚИЛИШ УСУЛЛАРИ.....	73
<b>Зияева С.А.</b>	
К ПРОБЛЕМЕ РАЗРАБОТКИ СИСТЕМЫ ЗАДАНИЙ ПО СОВЕРШЕНСТВОВАНИЮ СОЦИОЛИНГВИСТИЧЕСКОЙ КОМПЕТЕНЦИИ У СТУДЕНТОВ-ФИЛОЛОГОВ В ЭПОХУ ЦИФРОВЫХ ТЕХНОЛОГИЙ.....	75
<b>Ibadullayeva Surayyo</b>	
CHET TILLARINI O'QITISHDA TIL KOMPETENSIYALARINI TENG QO'LLASHNING SAMARADORLIGI.....	78
<b>Irgasheva Feruza Baxtiyorovna</b>	
CLIL TEKNOLOGIYASINING KELIB CHIQISHI VA RIVOJLANISH BOSQICHLARI.....	80
<b>Karimova Nodiraxon</b>	
FÖRDERUNG VON FACHSPRACHEKOMPETENZ IM FREMDSPRACHENUNTERRICHT...	82
<b>Махмудова М.М.</b>	
МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИДА БОЛАЛАРНИ ҲАР ТОМОНЛАМА РИВОЖЛАНТИРИШ ДАСТУРИНИНГ АСОСИЙ ВАЗИФА ВА ЙЎНАЛИШЛАРИ.....	85
<b>Назаров Пўлат Жўрамуродович</b>	
ЗАМОНАВИЙ ТЕХНОЛОГИЯЛАР АСОСИДА НЕМИС ТИЛИНИ ЎҚИТИШДА АРИФМЕТИК АМАЛЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ.....	87
<b>Рахманова Зубайда Рахимбергановна</b>	
РАҚМЛАШТИРИШ ДАВРИДА НЕМИС ТИЛИНИ ЎҚИТИШДА МЕТОДИК ТАВСИЯЛАР.....	91
<b>Рўзиев Ярош Бозорович</b>	
НЕМИС ТИЛИНИ ЎҚИТИШДА SMART ТЕХНОЛОГИЯСИДАН ФОЙДАЛАНИШ ҲАҚИДА.....	93
<b>Tadjibaeva D.A.</b>	
DIE DEUTSCHE DIGITALE KINDERUNIVERSITÄT: DEUTSCH UND MINT-FÄCHER.....	96
<b>O'tanova Shahnoza Mahmudovna</b>	
NEMIS TILI DARSLARIDA ZAMONAVIY TA'LIM TEHNOLOGIYALARINI QO'LLASH.....	99

**АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:**

- 1) Узбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 10 декабрдаги «Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари туғрисида»ги ПҚ-1875-сонли қарори. // «Халқ сўзи» газетаси, 11.12.2012 й., 240 (5660)-сон.
- 2) Фарберман Б.Л. Передовые педагогические технологии. – Т. Фан Изд.во АН Республики Узбекистан 2000
- 3) Жалолов Ж “Чет тили ўқитиш методикаси” Тошкент 1996 йил

**ЖАББАРОВА МАЛОХАТ ҲАМДАМОВНА**  
*Бухоро давлат университети Хорижий тиллар факультети*  
*Немис ва француз тиллари кафедраси ўқитувчиси*

**ТАЪЛИМ ЖАРАЁНИДА ИННОВАЦИОН МЕТОДЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШДА  
ЎҚИТУВЧИНИНГ РОЛИ ҲАМДА ТАЪЛИМ СИФАТИ**

**Таянч сўзлар:** локал, абсолют, креатив, оптимальлик, пропор-ционал, динамика, интеграциялаш, ташхислаш, индвидуал, инновация, технология, субъектив, рақобатбардош, функция, стратегия, комплекс, интеграция, индвидуал, интерфаол.

**Ключевые слова:** локальный, абсолютный, творческий, оптимальность, пропорциональный, динамика, интеграция, диагностика, индивидуальный, инновация, технологический, субъективный, конкурентный, функция, стратегия, комплексный, интеграция, индивидуальный.

**Аннотация:** Ушбу мақола чет тилини ўқитишда инновацион технологиялардан самарали фойдаланиш усуллари, инновацион педагогик янгиликларни оммавий тарзда амалиётда қўллаш, кенг оммалашган, ижобий натижаларга эришиш имконини берадиган инновацион усуллардан фойдаланган ҳолда бўлажак ўқитувчиларнинг креатив функцияларини ривожлантиришга, Рес-пабликамизда узлуксиз таълим тизимини тубдан ислоҳ қилиш, чет тилларини мукаммал ўрганиш, тайёрланаётган мутахассисларни замон талабига мос рақобатбардош қилиб тарбиялашга қаратилган.

**Аннотация:** Данная статья посвящена эффективному использованию инновационных технологий в обучении иностранным языкам, массовому применению инновационных педагогических новшеств на практике, развитию творческих функций будущих учителей с использованием инновационных методов, позволяющих добиться положительных результатов, коренным образом реформировать систему непрерывного образования в нашей стране. Безупречное изучение своего языка направлено на обучение подготовленных специалистов в соответствии с требованиями времени.

Жадал ривожланиш ва тараққиётни танлаган ҳар бир давлат, энг авва-ло, ёш авлодни комил ва ҳар жиҳатдан етук инсонлар қилиб тарбиялашга ўрғу беради. Бу мақсадга эришишда таълим тизимининг алоҳида ўрни бор-лигини таъкидлаш лозимдир.

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ил-гари сурган Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳара-катлар



стратегиясининг ижтимоий соҳа ривожига доир тегишли йўналишида таълим тизимини ривожлантириш устувор вазифалар сифатида белгиланган.

Бу ўринда мамлакатимизда Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Қонунини ҳамда Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини амалга ошириш доирасида чет тилларни ўқитишнинг комплекс тизими, яъни уйғун камол топган, ўқимишли, замонавий фикрловчи ёш авлодни шакллантириш-га, республиканинг жаҳон ҳамжамиятига янада интеграциялашувига йўнал-тирилган тизим яратилганлиги қувонарлидир. Ҳукуматимизнинг 2012 йил 10 декабрдаги «Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» қарори чет тилларини Ўзбекистон ахолиси ўртасида оммалостишига замин яратди. Мазкур қарор чет тилларни ўқитиш тизимини тубдан ислоҳ қилиш, уни замон талаблари даражасида ташкил этишни на-зарда тутади.

Хозирги кунда ҳар бир соҳада янгиликлар яратилмоқда, шу жумладан таълим соҳаси ҳам бундан мустасно эмас. Республикаизда узлуксиз таълим тизимини тубдан ислоҳ қилиш, янги ўқув режа ва фан дастурларини халқаро стандартлар асосида тувиш, етакчи хорижий университетлардан келтирилган таниқли дарслеклар ва ўқув адабиётларини тўғридан-тўғри ўзбек тилига таржима қи-лиш, профессор-ўқитувчиларнинг узлуксиз малакасини ошириш, чет тилла-рини мукаммал ўрганиш, модул тизимига асосланган ўқув-услубий мажмуя-ларни яратиш, моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, тайёрланаётган мута-хассисларни замон талабига мос рақобатбардош қилиб тарбиялаш вазифа-лари илгари суримоқда.

Инновацион усулларнинг асосий ўлчови уларнинг янгилиги, илмий тадқиқот натижалари ҳамда илғор педагогик тажрибалар билан тенглиги-дадир. Шу сабабдан ҳам инновацион жараёнда фаолият олиб бориш истагида бўлган ўқитувчилар учун янгиликнинг асл моҳияти нимадан иборат экан-лигини тушуниш мўҳим аҳамиятга эга ҳисобланади.

Ўтказилаётган тажриба маълум бир ўқитувчи учун янгилик бўлса, бош-қаси учун эса, бу усул янги бўлмаслиги мумкин. Қолаверса, бўлажак педа-гоглар учун айни бир усулнинг янгилик даражаси турлича бўлиши мумкин. Ана шуларни эътиборга олган ҳолда бўлажак педагоглар ҳам, таълим ти-зимида фаолият олиб бораётган ўқитувчилар ҳам инновацион ижодий фао-лиятга ўзларининг эҳтиёжидан келиб чиқсан ҳолда ёндашилари лозим бўлади. Бу эса, ўз навбатида педагогларнинг шахсий ўзига хосликлари, инди-видуал-психологик хусусиятлари билан чамбарчас боғлиқ ҳисобланади.

Бўлғуси педагогларнинг креатив функцияларини ривожлантиришга кў-маклашувчи инновацион усуллар янгилиги даражасига кўра бир қанча шакл-ларда намоён бўлади:

- абсолют даражা;
- локал-абсолют даражা;
- шартли даражা;
- субъектив даражা;

Бу фарқлар уларнинг қўлланиш соҳаси ва аниқлик даражаси билан боғлиқ.

Инновацион педагогик янгилиқдан кўзланган мақсадга эришиш учун етарлича куч қувват сарфлашни тақазо қиласи. Ҳар бир педагог ҳамда ўқувчи ўзларининг индвидуал фаолиятлари давомида турлича даражадаги самара-дорликка эришадилар. Таълим жараёнига педагогик инновацияларни кири-тиш асосида имкон қадар кам куч ва вақт сафлаган ҳолда юқори самарадор-ликка эришиш ҳамда кафолатланган натижа олиш



назарда тутилади. Айнан мана шүнинг үзи педагогик инновацияларнинг оптималлик даражасини бел-гилайди.

Инновацион усулларнинг ўлчови педагог фаолиятида ижобий натижаларга эришгандагина намоён бўлади. Ўлчовлардаги технология, кузатувчан-лик, натижаларнинг қайд этилганлиги ўқитишнинг янги усуллари, методла-рини баҳолаш орқали намоён бўлади. Мазкур ўлчовнинг аҳамиятли жиҳати шахс, унинг идроки ва тушунчаларини шакллантиришнинг бир бутунлигига намоён бўлади.

«Инновацион педагогик янгиликларни оммавий тарзда амалиётда қўл-лаш уларни баҳолашнинг мезони сифатида талқин этилади. Педагогик ама-лиётда мазкур ғоялар ва технологиялар тор, чекланган даражадаги қўлланиш даражасига эга бўлиб қолади. Бу асосан ўкув жараёнининг техник таъминоти ва ўқитувчи фаолиятининг үзига хослиги билан боғлиқ. Бундай вазиятда пе-педагогик янгиликлар ҳақида фикр юритиш аҳамиятсизdir.

Оммавий педагогик тажрибаларда педагогик инновацияларни ижодий қўллаш алоҳида ўқитувчилар иш фаолиятининг бошланғич босқичида намоён бўлади. Мазкур инновациялар тажриба-синовдан ўтказилиб, объектив ба-ҳолангандан сўнг, оммавий тарзда қўллаш учун тақдим этилади.

Кенг оммалашган, ижобий натижаларга эришиш имконини берадиган инновацион усуллардан фойдаланган ҳолда бўлажак ўқитувчиларнинг кре-атив функцияларини ривожлантириш мақсадга мувофиқ бўлади.

Ўқитувчининг инновацион фаолиятини ўрганишга йўналтирилган таш-хислаш методлари ҳам ранг-барангдир. Педагогик янгиликларни яратиш, ўзлаштириш ва қўллаш имконини берадиган техник муаммолар педагогик тижрибаларни ташхислаш негизида ўрганилиши лозим. Ташхислаш метод-ларидан фойдаланиш ўқитувчи фаолиятининг кучли жиҳатларини намоён қиласди. Шунинг учун ҳам бўлажак ўқитувчиларни ташхислашнинг замонавий методикалари билан қуроллантириш давр талабидир. Бўлғуси педагогларнинг касбий эҳтиёж ва хоҳишлиарни ҳисобга олган ҳолда уларда касбий-педагогик этикани шакллантириш ва узлуксиз ривожлантиришга йўналтирилган тўла-қонли мақсадли фаолиятни амалга ошириш лозим. Айнан мана шу асосда хар бир ёш ўқитувчининг яратувчаник фаолияти билан шуғулланиши, ижодий фаолият олиб бориши, ташаббус кўрсатиши учун қўлай шароит яратиш кўзда тутилади.

Педагогик инновацияларни ташхислаш асосида ўрганишда хар бир пе-педагог тажрибасида ижобий, ривожлантирувчи ҳолатлар билан бир қаторда салбий қўринишлар ҳам мавжудлигини ҳисобга олиш зарурлигини унутмас-лик керак. Ёш педагог таълим даргоҳида самарали фаолият кўрсатиши учун унинг иш тажрибасида мавжуд бўлган ижобий ҳамда салбий жиҳатларни ташхислаш асосида яққол кўрсатиш талаб этилади.

Инновацион жараёнларни ўрганиш мақсадида қўлланиладиган таш-хислаш методлари қўйидагилардан иборат эканлигини бўлажак ўқитувчилар онгига аниқ етказиш лозим. Булар:

- бўлажак ўқитувчиларнинг педагогик эҳтиёjlари, қизиқишилари, ало-ҳида аҳамиятга эга бўлган йўналишларни тизимли тарзда ўрганиш, бунда ўқитувчиларнинг фаолиятида учрайдиган қийинчиликлар ва уларни бартараф этиш имкониятларини аниқлаш;

- уларнинг қизиқишилари ва эҳтиёjlарини қондиришга хизмат қиласди ғоялар, концепциялар ҳамда илғор педагогик тажрибаларни излаб топиш ва олий педагогик таълим амалиётига жорий этиш;



- бўлажак ўқитувчиларнинг педагогик инновацияларни ўзлаштириш ва қўллаш жараёнидаги ўзига ҳослик ва уларнинг турли-туман кўринишларини аниқлаш, бунда намойиш қилиш, тасвирлаш, очиқ дарслар ўтказиш, янги манбалар устида ишлаш, маъruzалар ташкил этиш, тажриба-синов ишларида иштирок этиш сингари иш турларидан кенг фойдаланиш кабилар.

Чет тилларни ўқитишда инновацион технологиялардан фойдаланишни кенг жорий қилиш орқали етук мутахассисни тайёрлаш ҳам бугунги куннинг долзарб вазифасидир. Чет тили дарсларида инновацион технологиялардан фойдаланган ҳолда машғулотларни ташкил этиш дарсларни қизиқарли ўтиши учун жуда қулайдир. Чунки таълим технологияларининг асосий мақсади ўқув жараёнини фаоллаштириш, талабалар томонидан ўқув материалини ўзлаш-тиришнинг юқори даражасига эришиш ва уларни мустақил фикрлашга ҳамда ўз фикрини тўғри баён этишга ўргатишdir. Бугунги кунда таълим технологиялари-ни тушунишнинг асосий йўли аниқ белгиланган мақсадларга қаратилганлик, таълим олувчи билан мунтазам ўзаро алоқани ўрнатиш, педагогик техноло-гиянинг фалсафий асоси ҳисобланган таълим олувчининг ҳатти-ҳаракати орқали ўқитишdir. Ўзаро алоқа педагогик технология асосини ташкил қилиб, ўқув жараёнини тўлиқ қамраб олиши керак. Чет тили дарсларида энг кўп қўл-ланиладиган ўқитишининг интерфаол усувлари қўйидагicha:

Топшириқ, машқни бажаришга доир усувлар: Чет тили граммати-касига оид бирор-бирор қоидани ўқитувчи талабаларга таништириб бўлга-нидан кейин уни мустаҳкамлаш мақсадида турли хил топшириқлар беради. Улар ёзма ёки оғзаки шаклда бўлиши мумкин. Оғзаки топшириқлар қўйида-гича бўлиши мумкин: саволларга тўғри жавобни танланг; дарак гапни сўроқ гап билан ўзгартиринг; мантиқсиз гапни тузатинг ва тўғри жавобни айтинг кабилар. Ёзма топшириқларга мисоллар: берилган сўзлар иштироқида грам-маттик жиҳатдан тўғри гап тузинг; берилган гапни тўлдириш учун грамматик жиҳатдан мос келувчи сўзни танланг ва ҳоказо.

Ижодий фикрлаш, ҳозиржавобликни шакллантирувчи усувлар. Чет тили дарсида сўзлар воситасида турли ўйинлар ташкил қилинади. Мақсад -талабаларнинг сўз бойлигини бойитиш ҳамда фикрлаш доирасини янада кен-гайтириш. Бундай ўйинлар қисқа вақтта мўлжалланган бўлиб, талабаларни гуруҳ бўлиб машқ қилишга одатлантиради.

Ўйлаш, фикрлаш, ижро этишга доир интерфаол усувлар. Бунда та-лабалар расмларга қараб мустақил ҳикоя тузиб сўзлаб беришади.

Ўзаро мусобақа, фикрларни баён етиш ва тушуништиришга доир усул-лар. Бундай усувларга - анжуман, мусобақа, танлов, синов, юзма-юз каби-ларни киритиш мумкин. Масалан, синов усулини қўллашда талабаларга тест карточкалари тарқатилади. Ушбу карточкалар фақат ўрганилган мавзуга оид бўлиб, унда тестлар оддийдан мураккабга қараб тузилиши лозим. Бундай тестлар орқали талабаларнинг эркин фикрлаш қобилияти ўсиб, чет тилига бўлган қизиқишилари ортади.

Чет тилларини ўқитиш жараёнида педагогик технологияларини тадбиқ этиш бу - ўқув фанининг ўзига хос ҳусусиятларини инобатга олган ҳолда маз-мунни янгилаш, унинг асослари борасида талабаларга чуқур назарий билим-лар бериш асосида амалий фаолият кўнима ва малакаларини шакллантириш, такомиллаштириш имконини беради. Олий ўқув юртларида чет тили фанлари талабалар учун асосий фанлардан бири ҳисобланади. Чет тилини ўрганишда коммуникатив фаолият ва шахсга йўналтирилган, интегратив ва компетенцияли ёндашувлар мухим ўрин тутади. Коммуникатив фаолиятга йўналтирилган ёндашув таълимнинг ривожлантирувчи, функционал ва коммуникатив ҳусусиятларга эга



бўлиб, ўқиш жараёнида билиш фаоллигини оширишда ҳамда чет тилида эркин мuloқot қилиш кўникмаларини ривожлантиришга қаратилган. Ушбу ёндашув таълим оловчиларда мустақил фикрлаш ва фаолият юритиш кўникмаларини шакллантириб, қўйидагилар асосида амалга оширилади: таълимнинг барча босқичларида филологик-гуманитар, ижтимоий гуманитар, табиий, бадиий-эстетик, техник соҳалардаги билимларни интеграциялаш; чет тили таълимини маданиятларо мuloқot асосида ташкиллаштириш; таълим жараёнида ўқитувчи-талаба ҳамкорлигини таълимнинг teng ҳуқуқли иштирокчиларга айлантириш; таълимнинг интерфаол шаклларини жорий этиш; янги тил кўникмалари ва ижтимоий - маданий билимларни, ама-лий кўникмаларни эгаллашда талабаларнинг мустақил фаолият юритишини таъминлаш назарда тутилган.

Шахсга йўналтирилган ёндашув чет тили таълимида нафақат илмий би-лимлар бериш, балки таълим жараёнининг иштирокчилари муносабатлари-нинг фаол шаклларига асосланган ҳолда ташкил этилади. Ушбу ёндашув талабанинг характеристи ва ривожланиш йўналишини ўрганиш, улар-нинг қобилиятларидан келиб чиқсан ҳолда, чет тилларда мuloқot кўникмаларини шакллантириш учун қулай шарт-шароитлар яратиш, талабанинг ри-вожланиш динамикасини унинг олдинги ҳолати билан таққослаш орқали амалга оширишни кўзда тутади. Чет тили таълимида интегратив ёндашув таълим оловчининг турли фаолият доираларидан шахсий, интеллектуал ва касбий олинган материаллардан таълим жараёнида пропорционал фойда-ланган ҳолда тил ва нутқ материалининг teng нисбатда бўлиши, нутқ фао-лиятининг барча турлари бўйича нутқий тайёргарлик даражасига қўйи-ладиган талаблар даражасини ўйғун ва ўзаро боғлиқ ҳолда шакллантириш назарда тутилган.

#### АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

- 1) Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти И. Каримовнинг «Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори. Тошкент ш., 2012 - йил 10 -декабрь, ПҚ-1875 – сонли қарори
- 2) З.М.Исоқова. Олий таълимда сифат таъминотини бошқариш – юқори рейтинг кўрсаткичи кафолати. Олий таълим тараққиёти истиқболлари. Тўплам. №2.-Тошкент: 2014, 20 – б.
- 3) Ёралиева У.Қ. Мактабгача таълим тизимида хорижий тилларни ўқитишнинг ўзига хос хусусиятлари ва унда интерфаол усуллардан фойдаланишнинг имкониятлари// Замонавий таълим журнали. – Т., 2014, 9-сон. – 27 б.
- 4) Вохидов М. Болалар психологияси. – Т.: Ўқитувчи, 1981. – с. 366.
- 5) Ҳасанбоев Ж. ва бошқалар. Педагогика фанидан изоҳли луғат-Т: “Фан ва технология”, 2008, 437-438 б.
- 6) Фозиев Е.Т: Умумий психология. Ўзбекистон файласуфлари миллий жамияти, 2010. 313 –б.
- 7) Педагогика профессионального образования/ Под ред. В.А.Сластенина. – Москва: Академия, – с. 37.